

Хорижлик экспертлар:

Биз инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия соҳасидаги ҳамкорликни олқишлаймиз



Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси доимий координатори:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти махсус гуруҳи Ўзбекистон билан Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг яқиндаги ҳисоботи бўйича конструктив мулоқотни олқишлайди. Биз болалар ва мажбурий меҳнатини бекор қилиш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш, Омбудсманнинг имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашни кучайтириш бўйича Ҳукумат билан иш олиб бораёмиз. Бу ишларда БМТ тузилмалари фаол қатнашяпти. Шунингдек, COVID-19 пандемияси пайтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий шериклар билан ҳамкорлик изчил давом этяпти.

Биз қўмита тавсиялари бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда Ҳукуматни

қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва бу жараёнларда Олий Мажлиснинг роли муҳим экани қайд этилмоқда.

Фуқаролик жамияти имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, ННТ тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка халқаро стандартларга мувофиқ ўзгартириш киритиш жуда муҳим саналади. Шу маънода, биз инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия соҳасидаги ҳамкорликни олқишлаймиз.

Жон МАКГРЕГОР, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси:

— ЕХХТ инсон ҳуқуқлари йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Чунки ташкилотга аъзо 57 мамлакатда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари институтларига нисбатан муайян мажбуриятлар юклатилган.



Ўзбекистон мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатда 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқлари-

ни ҳимоя қилиш чоралари ўз ифодасини топганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Сўнги уч йил ичида ушбу тизим такомиллаштирилди, миллий қонунчилик мустаҳкамланди, бу борада салмоқли ишлар қилинди.

ЕХХТ халқаро ҳуқуқий амалиёт ва тажрибага эга. Бизнинг мазкур йиғилишдаги иштирокимиз ўз мажбуриятларимизни тўлдириш билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардаги иштирокимизни янада фаоллаштиради. Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Даниэль РОЗЕНБЛЮМ, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон охириги уч йилда инсон ҳуқуқлари соҳаси, жумладан, мажбурий меҳнатни бекор қилиш, эътиқод эгалари ҳуқуқларини кенгайтириш, сўз эркинлиги учун катта майдон яратиш, фуқаролик жамияти ташкилотларига янада эркин фаолият юритишига имконият яратиш, коррупцияга қарши курашиш ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида юксалишга эришди. Бинобарин, рўй бераётган ўзгаришлар катта таассурот қолдирмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар, ҳақиқатан ҳам, ортага қайтмас эканлигини дунёга намоён этган ҳолда, ушбу ижобий ҳаракатларни давом эттириш муҳимдир.

Ҳар қандай давлат ҳамиша яхши тарафга интилиши, халқаро ҳамжа-



мият билан фаол ўзаро алоқалар қилиш, ташқи танқидларни эшита билиш ва қабул қила олиши ҳамда ўз ўзини танқид қилишга қодир бўлиши керак.

Парламент қонунчилик ташаббускорлиги, қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ у қонунлар реал ҳаётда қандай ижро этилаётганини ҳам доим кузатиб бориши шарт. Парламентнинг роли қонун қабул қилинганидан сўнг тугаб қолмайди. Қонунчилик палатаси ва Сенат қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда шаффоликни таъминлаш бўйича ўз ишини давом эттириши керак.

Кучли ва мустақил суд тизими фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ривожланиш учун адолатли ҳамда тенг ҳуқуқли платформа яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу мамлакатнинг узоқ муддатли гуллаб-яшнашининг ягона мустаҳкам асоси бўлиб, хориж инвестицияларини жалб этишда катта ўрин тутаяди.